

ОЗОДЛИҚДАН МАҲРУМ ЭТИШ БИЛАН БОҒЛИҚ БЎЛМАГАН  
ЖАЗОЛАРНИ ИЖРО ЭТИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ СИФАТИДА «ПРОБАЦИЯ  
ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУННИНГ АҲАМИЯТИ.

**Шоимов Норқобил Бобомуродович**

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти катта  
ўқитувчиси, юридик фанлар номзоди, доцент

**Аннотация.** Мақолада Ўзбекистон Республикасида жиноят содир этган шахсларни ахлоқан тузатиш, уларни жамиятдан ажратмаган ҳолда жамоатчилик билан узвий ҳамкорликда қайта тарбиялаш борасида кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилаётганлиги ва бу борада Ўзбекистон Республикасининг “Пробация тўғрисида”ги қонунининг аҳамияти ёритиб берилган.

**Таянч сўзлар:** пробация, пробация назорати, пробация хизмати, пробация назоратидаги шахс, электрон кузатув воситаси (электрон браслет), ижтимоий мослаштириш, пробация ҳисобидан чиқариш.

**Аннотация:** В статье подчеркивается значение Закона Республики Узбекистан «О пробации» в Республике Узбекистан относительно нравственного исправления лиц, совершивших преступление, их перевоспитания без отрыва от общества в тесном сотрудничестве с общественностью.

**Ключевые слова:** пробация, пробационный надзор, служба пробации, лицо, находящееся под надзором, электронное средство слежения (электронный браслет), социальная адаптация, снятие с пробационного учета.

Ўзбекистон Республикасида жиноят содир этган шахсларни ахлоқан тузатиш, уларни жамиятдан ажратмаган ҳолда жамоатчилик билан узвий ҳамкорликда қайта тарбиялаш борасида кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, илғор хорижий тажриба ва халқаро стандартларни инобатга олган ҳолда ички ишлар органлари тизимини ислоҳ қилиш, ҳуқуқбузарликларни барвақт профилактика қилиш ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича кўрилатган чора-тадбирлар натижасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 ноябрдаги “Жиноят-ижроия қонунчилигини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4006-



сонли Қарори<sup>1</sup> асосида пробация хизмати ташкил этилиб, 2019 йил 1 январдан эътиборан ўз фаолиятини бошлаган эди.

Ушбу қарорда озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни ижро этиш, шартли ҳукм қилинган ва жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинган шахсларнинг хулқ-атвори устидан самарали назоратни амалга оширишнинг ҳуқуқий механизмларини янада такомиллаштириш зарурлигини қайд этилган эди.

Шу муносабат билан, 2024 йилнинг 7 август куни Ўзбекистон Республикасининг “Пробация тўғрисида”ги ЎРҚ-938-сонли<sup>1</sup> қонуни қабул қилинди ва пробацияни амалга ошириш соҳасидаги муносабатлар, пробация тизимининг асосий тушунчалари, пробация назоратидаги шахсларнинг ҳуқуқий ҳолати, пробация назорати ва ижтимоий мослаштириш шакллари қўллаш тартиби, пробация назоратидаги шахсларнинг хулқ-атворини баҳолаш мезонлари, уларга нисбатан электрон кузатув воситаси (электрон браслет)ни қўллаш масалаларини тартибга солишда мазкур қонуннинг аҳамияти каттадир.

Озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни ижро этиш, пробация бўлинмалари назорати остидаги шахсларнинг хулқ-атвори устидан таъсирчан назоратни амалга ошириш бўйича янги тизим яратилди. Натижада, назорат остидагилар томонидан қайта жиноят содир этилиши камайишига эришилмоқда. Масалан, 2021 йилда пробация бўлинмалари назорати остидаги шахслар томонидан 1086 та жиноят содир этилган бўлса, 2022 йилда бу кўрсаткич 845 тани, 2023 йилнинг 9 ойида эса 353 тани ташкил қилган<sup>2</sup>.

Ҳозирги суд ҳуқуқ ислоҳотлари кенг амалга оширилаётган шароитда муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, мажбурий жамоат ишлари, ахлоқ тузатиш ишлари, озодликни чеклаш тарзидаги жазоларнинг ижро

---

<sup>1</sup> Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 08.11.2018 й., 07/18/4006/2166-сон, 13.12.2018 й., 06/18/5597/2300-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.12.2021 й., 06/21/27/1116-сон, 15.04.2022 й., 07/22/207/0310-сон.

<sup>1</sup> Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 07.08.2024 й., 03/24/938/0591-сон.

<sup>2</sup> Сенаторлар «Пробация тўғрисида»ги қонуни маъқуллади // <https://www.gazeta.uz/uz/2023/10/27/probatsiya/>.



этилишини таъминлашга, маҳкумларга ижтимоий-ҳуқуқий ва тарбиявий таъсир кўрсатишга, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда уларга барҳам беришга, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиш сабабларини ва уларга имкон берадиган шарт-шароитларни аниқлашга, бартараф этишга қаратилган чора-тадбирларни кенг халқ оммасига, ижрочиларга тушинтириш, уларнинг бу соҳадаги билимларини мустаҳкамлаб қолмай, балки бу соҳадаги ҳуқуқий саводхонлигини кучайтириш, ҳуқуқий онги, маънавияти ва маънавиятини оширишга ҳам ёрдам беради.

Шу сабабли, аҳоли, айниқса ёшларга ҳуқуқий таълим беришда “Пробация тўғрисида”ги қонуннинг қуйидаги қатор хусусиятларини тушинтириш мақсадга мувофиқдир:

*биринчидан*, “Пробация тўғрисида”ги қонун фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинлари ва қонуний манфаатлари, қонун устуворлигини, шахс, жамият ва давлатнинг хавфсизлигини таъминлашда, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикасида ҳуқуқий манба эканлигини;

*иккинчидан*, “Пробация тўғрисида”ги қонун ҳаётда содир бўлаётган муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, мажбурий жамоат ишлари, ахлоқ тузатиш ишлари, озодликни чеклаш тарзидаги жазога ҳукм қилинган шахсларнинг, шартли ҳукм қилинган шахсларнинг ва жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинган шахсларнинг хулқ-атвори устидан назоратни амалга оширишга, уларда қонунга итоаткорлик хулқ-атворини ҳамда жамиятда юриш-туриш қоидаларига ҳурмат билан муносабатда бўлишни шакллантиришга, суд томонидан белгиланган тақиқларга (чекловларга) ва мажбуриятларга риоя этилишини таъминлашга, шунингдек уларни ижтимоий реабилитация қилишга қаратилган фаолиятда асосий ҳуқуқий манба бўлиши билан бир вақтда, мазкур қонун ўзининг барқарорлиги, нормалари, принциплари ва аҳамияти жиҳатидан узоқ муддатли даврни ҳисобга олиб қабул қилинганлигини;

*учинчидан*, “Пробация тўғрисида”ги қонун пробацияни амалга ошириш соҳасидаги муносабатларни мустаҳкамлаш учун янги ҳуқуқий замин ҳисобланиб, суд ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларни амалга оширишда алоҳида аҳамиятга эга эканлигини;

*тўртинчидан*, “Пробация тўғрисида”ги қонун ҳозиргача бу соҳада



қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодекси<sup>1</sup>, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 8 майдаги “Мажбурий жамоат ишлари тариқасидаги жазонинг ижросини ташкил этиш тартиби ҳақидаги низомни ҳамда мажбурий жамоат ишлари турларининг рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида”ги 346-сонли қарори<sup>1</sup> ва бошқа бир қатор қонунчилик ҳужжатлари талабларини ҳаётга жорий этишда муҳим манба эканлигини.

Шу билан бир қаторда ижрочилар, аҳоли, айниқса ёшларга “Пробация тўғрисида”ги қонуннинг қисқача мазмуни, мақсади ва асосий вазифаларини тушунтириш жоиздир, албатта.

Бинобарин, мазкур қонун 74 моддани ўз ичига олган 9 бобдан иборат бўлиб, унинг 1-боби “Умумий қоидалар” деб номланади. Бу боб 9 та (1-9) моддани ўз ичига олади. Унда ушбу қонуннинг мақсади, пробация тўғрисидаги қонунчилик, ушбу қонунда қўлланиладиган асосий тушунчалар, қонуннинг асосий принциплари, яъни қонунийлик, инсонпарварлик, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳурмат қилиш, табақалаштириш ва индивидуал ёндашиш ҳамда ошкоралик эканлигини етказиш.

Қонуннинг 2 - боби пробацияни амалга ошириш соҳасини тартибга солишга бағишланган бўлиб, ижрочиларга, аҳолига, ёшларга, талаба ва тингловчиларга бу ердаги 10-21-моддаларида берилган уқдириш лозим.

Қонуннинг 3 - боби “Пробация хизмати” –деб номланиб, унда п (22-м.), п(23-м.), (24-м.), (25-м.) ва (26-м.) ҳақидаги масалалар ўз аксини топганлигини.

Шунингдек, Қонуннинг 4 - бобида пробация назоратидаги шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ва пбаён этилганлигини ва булар қонуннинг 27-29-моддаларида тўла ўз аксини топганлигини билишлари

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 6-сон, 175-модда; 2003 й., 9-10-сон, 149-модда; 2004 й., 1-2-сон, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 й., 6-сон, 248-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 36-сон, 452-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.03.2019 й., 03/19/530/2769-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон, 28.02.2024 й., 03/24/915/0160-сон; 07.08.2024 й., 03/24/938/0591-сон; 28.08.2024 й., 03/24/948/0667-сон.

<sup>1</sup> Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.05.2018 й., 09/18/346/1174-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 08.02.2022 й., 09/22/62/0111-сон, 05.04.2022 й., 09/22/153/0266-сон.



шарт.

Ижрочилар, аҳоли, ёшлар, талаба ва тингловчиларимиз, қонуннинг 5 - бобидаги шахсни пробация ҳисобига қўйиш ва пробация назоратини амалга ошириш, яъни ш(30-м.), ш(31-м.), м(32-м.), п(33-м.), с(34-м.), т(35-м.), ў(36-м.), м(37-м.), м(38-м.), т(39-м.), а(40-м.), а(41-м.), я(42-м.), е(43-м.), и(44-м.) ва н(45-м.) масаласи ёритилганлигини билишлари муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Ижрочилар, аҳоли, айниқса ёшлар, талаба ва тингловчиларимиз билим олиш жараёнида, “Пробация тўғрисида”ги қонуннинг “Ижтимоий мослаштириш” деб номланган 6 – боби 46-57- моддаларида берилган п масалалари ёритилганлиги билиб олишлари ўта фойдалидир.

Ҳуқуқий билим ва кўникмалар олиш жараёнида мазкур қонуннинг “Пробация назоратидаги шахсларга нисбатан рағбатлантириш, интизомий жазо ва ҳуқуқий таъсир чораларининг қўлланилиши” деб номланган 7 - боби 58-66-моддаларида қайд этилган пр кўрсатилганлигини билишлари фойдадан холи бўлмайди.

Ижрочилар, аҳоли, ёшлар, талаба ва тингловчилар 8 – боб, 67-68-моддаларда берилган пбаён этилганлигини билишлари ҳам шарт.

Бундан ташқари, пробацияни амалга ошириш соҳасидаги муносабатлар субъектлари, иштирокчилари қонуннинг “Яқунловчи қоидалар” (9-боб, 69-74-м.м.) дея номланган бобидаги нкаби масалаларнинг ҳуқуқий тартибга солинганлигини ўқиб-ўзлаштириб олишлари жуда муҳимдир.

Хулоса қилиб айтганда, ижрочилар ва аҳоли, ёшлар, талаба ва тингловчиларга Ўзбекистон Республикасининг “Пробация тўғрисида”ги қонунини ва унинг мазмун-моҳиятини яхши тушунтириш ва уларнинг ўзлаштириб олишларига эришиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 январдаги “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-5618-сонли Фармони<sup>1</sup> ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 18 сентябрдаги “2024-2025 йилларда

---

<sup>1</sup> Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.01.2019 й., 06/19/5618/2452-сон, 11.12.2019 й., 06/19/5892/4134-сон; 09.10.2020 й., 07/20/4857/1357-сон; 17.03.2021 й., 06/21/6188/0216-сон, Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 30.11.2021 й., 06/21/26/1111-сон; 04.07.2023 й., 06/23/107/0441-сон.



жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича чора-тадбирлар дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги 588-сонли қарори<sup>2</sup> талабларига мос келади ҳамда уларнинг бу борадаги ҳуқуқий билим ва кўникмаларининг чуқурлашувига олиб келиши муқаррардир.

### **ФҲЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР;**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Тошкент. 2023.
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодекси // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 6-сон, 175-модда; 2003 й., 9-10-сон, 149-модда; 2004 й., 1-2-сон, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 й., 6-сон, 248-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 421-модда; 2014 й., 36-сон, 452-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.03.2019 й., 03/19/530/2769-сон; 01.07.2020 й., 03/20/625/1007-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон, 16.02.2023 й., 03/23/817/0091-сон; 27.04.2023 й., 03/23/833/0236-сон; 28.02.2024 й., 03/24/915/0160-сон; 07.08.2024 й., 03/24/938/0591-сон; 28.08.2024 й., 03/24/948/0667-сон.
3. Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 7 августдаги “Пробация тўғрисида”ги ЎРҚ-938-сонли қонуни // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 07.08.2024 й., 03/24/938/0591-сон.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 январдаги “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-5618-сонли Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.01.2019 й., 06/19/5618/2452-сон, 11.12.2019 й., 06/19/5892/4134-сон; 09.10.2020 й., 07/20/4857/1357-сон; 17.03.2021 й., 06/21/6188/0216-сон, Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 30.11.2021 й., 06/21/26/1111-сон; 04.07.2023 й., 06/23/107/0441-сон.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 ноябрдаги “Жиноят-ижроия қонунчилигини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4006-сонли Қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 08.11.2018 й., 07/18/4006/2166-сон,

---

<sup>2</sup> Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 20.09.2024 й., 09/24/588/0732-сон.



13.12.2018 й., 06/18/5597/2300-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.12.2021 й., 06/21/27/1116-сон, 15.04.2022 й., 07/22/207/0310-сон.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 8 майдаги “Мажбурий жамоат ишлари тариқасидаги жазонинг ижросини ташкил этиш тартиби ҳақидаги низомни ҳамда мажбурий жамоат ишлари турларининг рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида”ги 346-сонли қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.05.2018 й., 09/18/346/1174-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 08.02.2022 й., 09/22/62/0111-сон, 05.04.2022 й., 09/22/153/0266-сон.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 18 сентябрдаги “2024-2025 йилларда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича чора-тадбирлар дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги 588-сонли қарори // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 20.09.2024 й., 09/24/588/0732-сон.

